
Данғара тумани ҳокими 1-сектор раҳбари Абдусамад МФЙда сайёр қабули ўтказилди.

Данғара тумани ҳокими 1-сектор раҳбари Абдусамад МФЙда аҳолини ўйлантираётган муаммолари юзасидан сайёр қабули ўтказилди.

Сайёр қабул давомида фуқароларнинг ичимлик суви, электр таъминоти, тадбиркорлик учун кредит олиш, моддий ва тиббий ёрдам каби масалалар бўйича мурожаатлари бирма бир тингланди. Барча мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ечими топилган мурожаатлар жойида ҳал этилди ва айрим мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар билан қониқтирилди.

Муддат талаб этилувчи мурожаатлар эса ҳал этиш учун тегишли мутасаддиларга бириктирилиб, назоратга олинди.

Шунингдек, маҳалла еттилиги ходимлари билан учрашиб, маҳалла фаолияти самарадорлигини ошириш, ижтимоий ва иқтисодий масалаларни тизимли ҳал этиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар ўрганиб чиқилди.

2025-01-22 17:52:24